



## Муқаддас бурч

Юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар замирида тинчлик-осудалик мужассам. Шубҳасиз, бунинг ортида Ватанимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган, осмонимиз мусаффолигини кафолатлаётган алп ўғлонларимизнинг шарафли хизматлари муҳим ўрин тутди. Эл-юртга содиқлик, улкан жасорат ва кучли ирода талаб қилувчи ушбу касб эгаларига ажр-савоблар ваъда қилинган. Зеро, Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ йўлида бир кеча қўриқчилик қилиш, минг кун (нафл) рўза тутуш ва минг кеча қоим туришдан яхшидир”**, дея марҳамат қилганлар (Имом Аҳмад ва Имом Табароний ривояти).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч. Динимизда ушбу юмушдан бўйинтовлаш катта гуноҳ экани таъкидланган. Жумладан, Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят



қилинади: «Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳалокатга элтувчи етти амалдан сақланинглар!”** деганларида, саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, улар нима?” дейишди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Аллоҳ талога ширк келтириш, сеҳр-жоду қилиш, ноҳақ бировни ўлдириш, судхўрлик, етимнинг ҳаққини ейиш, Ватан ҳимоясидан қочиш, иффатли мўмина аёлга туҳмат қилишдир”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ватан ҳимоячилари Аллоҳнинг амрини адо этаётган, шон-шарафга лойиқ, фахрланишга арзигулик инсонлардир. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Икки кўз соҳибига дўзах олови тегмайди. Бири, тунда Аллоҳдан қўриқиб йиғлаган кўз, иккинчиси, Аллоҳ йўлида қўриқчилик қилган кўз”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Демак, Ватан тинчлиги, халқнинг осуда, хотиржам ҳаётини таъминлашдек улуғ юмушга бел боғлаш кишидан юксак фазилат талаб этади. Юртимиз посбонларининг жасорати, садоқати, ирода ва қатъияти ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиши зарур.

✎ Насруллоҳхон НУРУЛЛОҲ ўғли,  
Самарқанд вилояти Пастдаргом  
тумани “Намозгоҳ” масжиди  
имом-хатиби

### Идора ҳаёти

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ташаббуси билан Диний идорада Фахрийлар кенгаши тузилди. Мазкур кенгашнинг илк йиғилишида кенгаш аъзолари, бўлим мудирлари ва соҳа ходимлари иштирок этди.

Қуръони карим тиловати ва хайрли дуолар ила бошланган учрашув аввалида Муфтий ҳазратлари диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар давоми ўлароқ Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Фахрийлар кенгаши тузилгани, унга раис сифатида узоқ йиллардан буён Ислом маърифати йўлида хизмат қилиб келаётган Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари сайлангани, мазкур кенгаш фахрийлар имкониятларидан кенг фойдаланиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилганини айтиб ўтдилар.

2-бетда

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 10 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистонида “Ҳаж – 2023” мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида меҳмонхоналар, ошхоналар ва автобус саройларини кўздан кечиришди.

✓ 18 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров раислигида “Вақф” хайрия жамоат фонди Вассийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тошкент шаҳридаги “Бўта бува” жоме масжиди имом-хатиби Зиёвуддин Мирсодиқов “Вақф” хайрия жамоат фонди раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

✓ Шу йилнинг 23 январидан 23 апрелига қадар Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислом санъати биринчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмада Ўзбекистон мусулмонлари идораси Кутубхона-музейида сақланаётган энг қадимий Мусҳаф қўлёзмаларидан бири — Катта Лангар Қуръони илк бор намоиш этилади.

✓ Январь ойининг биринчи ярмида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжид имом-хатиблари ҳомийлар билан биргаликда республика миқёсида эҳтиёжманд оилаларга 2 млрд. 60 млн. сўмлик хайрия ишларини амалга оширди.

✓ “Вақф” хайрия жамоат фонди 2022 йилда хайрия, закот, ҳомийлар кўмаги ва бошқа эҳсонлар ҳисобидан 11 млрд. 574 млн. сўмдан зиёд маблағни хайрия ишларига сарфлади.

✓ Мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Миср Қадимий ёдгорликлар олий кенгаши ўртасида онлайн мулоқот ташкил этилди. Унда музей ашёлари ва тўпламларини илмий тадқиқ қилиш, кўргазмаларни ўрганишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

## Устозларга юксак эътибор



Ислом йўлида соч-соқоли оқарган киши иззатга, эҳтиромга лойиқдир. «Бир киши: “Ё Расулulloҳ! Инсонларнинг қайси бири афзал?” деди. У зот солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Умри узоқ бўлиб, амали чиройли бўлгани”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Ҳазрат Али розийаллоҳу анҳу: “Умрининг баракаси солиҳ амал билан бўлади”, деган.

Шу маънода диний соҳада фаолият юритган уламоларга эътибор кўрсатиш, уларнинг тажрибалари, ҳаётини маслаҳатларидан унумли фойдаланиш мақсадида



# Ислом, иймон ва эҳсон

Умар ибн Хаттоб розийаллоху анху ривоят қилади: «Кунларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирганимизда, либослари оппоқ, сочлари тим қора киши келди. Унда сафар аломатлари кўринмасди, ҳеч бири-миз уни танимас эдик. У Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг тиззаларига тиззасини теккизиб, икки кафтини сонига қўйиб ўтирди ва «Эй Муҳаммад! Менга Ислом ҳақида хабар беринг», деди. У зот: «**Ислом Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳ таолонинг расули эканига иқрор бўлишинг; беш вақт намозни адо қилишинг; закот беришинг; Рамазон ойида рўза тутушинг ва йўлга қодир бўлсанг, Байтуллоҳга ҳаж қилишинг**», дедилар. У: «Рост айтдингиз», деди. Биз ун(инг гапи)га ҳайрон бўлдик — ўзи сўраб, ўзи тасдиқлайди. «Менга иймон ҳақида хабар беринг», деди у. У зот: «**Аллоҳ таолога, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолодан эканига иймон келтириш** (ишониш) дедилар. У: «Рост айтдингиз», деди. (Сўнг): «Менга эҳсон ҳақида хабар беринг», деди. У зот: «**Аллоҳ таолога**

**Уни кўриб турганиндай ибодат қилишинг. Чунки сен Уни кўрма-санг-да, албатта, У сени кўради**», дедилар. (У): «Менга қиёматнинг қачон бўлиши ҳақида маълумот беринг», деди. У зот: «**У ҳақда сўралувчидан кўра сўровчи яхши билади**», дедилар. (У): «Менга унинг аломатлари ҳақида хабар беринг», деди. У зот: «**Чўрилар ўз хожаларини туғиши; яланг-оёқ, ялангоч, фақир чўпонларнинг иморат (бино) қуришида мақтаниб, фахрланишларини кўришинг**», дедилар. Сўнг у кетди. Мен бир мунча муддат (уч кун атрофида Набий соллаллоху алайҳи ва салламга кўринмай) турдим. Кейин у зот менга: «**Эй Умар, сўровчининг кимлигини биласанми?**» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Расули билади», дедим. У зот: «**У Жаброил эди. Сизларга динингизни ўргатиш учун келди**», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Ҳазрати Умар ва бошқа саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтиришганида бир киши келди. У худди куёш каби порлаб келди. У зотнинг устларида оппоқ кийим бор эди. Сочлари тим қора эди. У кишида сафар аломатлари кўринмас эди. Зеро, сафардан келган инсон

терлаган, кийимлари чанг бўлади. Шунинг учун у киши саҳобаларга Мадинада яшайдиган кишилардан бири бўлиб туюлди. Аммо у кишини саҳобалардан ҳеч ким танимас эди.


Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб чўкка тушиб ўтирдилар.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ бирор дарс ўртасида чиқиб кетсалар, янги либос кийиб қайтар эканлар. Талабанинг либоси қиммат бўлиши шарт эмас, покиза бўлиши зарур.

Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга: «Менга иймон ҳақида хабар беринг», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Аллоҳга ... иймон келтиришинг...**» деб жавоб бердилар.

Фаришталарига иймон келтириш. Қуръон ва суннатда баён қилинган уларнинг сифатларига, гуноҳ ва маъсиятлардан пок эканликларига иймон келтиришдир. Улар Аллоҳ таолонинг мукаррам бандаларидир.

Китобларига иймон келтириш. Аллоҳ таоло пайғамбарларига



нозил қилган ҳамма китобларга иймон келтириш лозим.

Пайғамбарларига иймон келтириш. Пайғамбар алайҳимуссаломларнинг барчалари маъсумдирлар. Ҳар бир уммат ўз пайғамбарига итоат этмоғи лозим. Уларнинг ададларини чекламай пайғамбарларга иймон келтириш шарт.

Қиёмат кунига иймон келтириш. Бу эътиқод маҳшарда тўпланиш, жаннат ва дўзахга, ҳавз, мезон, торозга иймон келтиришни ўз ичига олади.

Иймон шартларидан яна бири яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолодан эканига ишонишдир.

Манбалар асосида «Қўқалдош»  
ўрта махсус ислом билим юрти  
мударриси

Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

## Идора ҳаёти

# Устозларга юксак эътибор



Маросим давомида Фахрийлар кенгаши раиси Шайх Абдулазиз Мансур сўзга чиқиб, ўзига масъулиятли ва шарафли вазифа ишониб топширилгани учун миннатдорлик билдириб, мазкур кенгаш келгуси фаолияти давомида амалга оширадиган ишлар, жумладан, диний соҳа фахрийларининг ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг диний-маърифий саводхонлигини ошириш, уларни юксак маънавиятли бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш, халқимиз орасида маросимларнинг

ихчам, миллий қадрият ва анъаналарга мос тарзда ўтказилишини тарғиб қилиш каби асосий вазифалар хусусида тўхталди.

Муфтий ҳазратлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фахрийлар кенгаши аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бора-сида қилинадиган ишлар, хусусан, моддий рағбатлантириш, диний нашрларга бепул обуна қилиш, сиҳатгоҳларга, энг асосийси, муборак умра зиёратига юбориш каби имтиёзларни ҳам алоҳида қайд этиб ўтдилар. Шунингдек, кенгаш аъзоларига гувоҳнома

ва ҳадялар тақдим этиб, хайрли тилакларини билдирдилар.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашувда Фахрийлар кенгаши аъзолари ҳам сўз олиб, мазкур кенгаш тузилгани хайрли иш бўлгани, динимизда ўзаро кенгашиб иш қилишга, маслаҳатлашишга буюрилгани ва келгусида кенгаш хайрли ишларга бош бўлишини айтди.

Баҳриддин ХУШБОҚОВ



# Набий алайҳиссаломнинг гўзал фазилатлари ҳақида\*



Хусайн розийаллоҳу анҳу айтади: «Отамдан Набий алайҳиссаломнинг мажлислари қандай бўлгани ҳақида ҳам сўрадим. У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирсалар ҳам, турсалар ҳам Аллоҳ таолони зикр қилар эдилар. Ўзларига жой ҳозирла-тиб қўймас, бизларни ҳам ўзимиз учун жой тайёрлатиб қўйишдан қайтарар эдилар. Бир қавмнинг олдига борса-лар, ўтирганларнинг давомидан (охи-рида ўтирган одамнинг ёнига) ўти-рардилар, бизни ҳам шунга буюрар эдилар. Бирга ўтирганлардан барча-сининг ҳаққини адо қилар эдилар. Суҳбатдошларини сабр билан эшит-ганлари сабаб, уларнинг ҳар бири ўз-ларини у зотга энг яқин киши деб ўй-ларди. Бирон киши ҳожатини маълум қилса, уни куруқ қайтармас, сўрагани-ни берар ёки тасалли берувчи сўз ай-тар эдилар. Барчага очиққўнгил бўл-ганларидан уларга худди оталаридек муносабат қилар эдилар. Дарҳақиқат, у зотнинг наздида барча баробар эди. “Илм, ҳаё, сабр ва омонат мажлиси” деб таърифланган муборак мажлис-ларида овозлар баланд кўтарилмас, бирон кишининг обрўси тўкилмас ва тўғри йўлдан озиш ҳолатлари куза-тилмас эди. Мажлисдагиларнинг бар-часи тенг кўрилар, бир-биридан фақат тақвоси билангина афзал саналарди. Ёши катталарни улуғлашар, кичиклар-ни эҳтиром қилишарди. У зот ҳожат-мандларни устун кўяр, ғариб (мусо-фир)ларни эса ҳимоя қилар эдилар”, деди».

Хусайн розийаллоҳу анҳу айта-ди: «Отамдан Расулуллоҳ соллалло-ҳу алайҳи ва салламнинг ўз суҳбат-дошларига қандай муомалада бўл-ганлари ҳақида ҳам сўрадим. Отам — Али розийаллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам очиқ

юзли, юмшоқ табиатли, хуш-муомала эдилар. Ёмон хулқли, қўпол, бақирок, фаҳш сўзлов-чи, айбловчи ва тор феълли эмас эдилар”, деб жавоб бер-ди. Бир ривоятда: “Маддох ва масҳара қилувчи эмас эдилар”, дейилган.

Пайғамбар алайҳиссалом бир нарсани хоҳламасалар, унга эътибор бермасдилар. Умидвор одам у зотдан уми-дини узмас эди. Уч нарсани тарк қилган эдилар: шубҳала-ниш, бирон нарсани меъёри-дан ошириб юбориш ва фойда-сиз ишлар. Шунингдек, бирон кишини ёмонламас, айбла-мас ва айбини ахтармас эди-лар. Фақат яхши сўзларни ай-тардилар, суҳбат чоғида ҳам-суҳбатлари бошига қуш қўнган одамдек диққат билан у зотни эшитар эдилар. Сукут сақлаган пайтларида олдиларидаги ки-шилар ўзаро гаплашишар, ле-кин тортишмас эдилар. Бирон киши гапирса, сўзини тугат-гунча эшитиб турар эдилар. Ҳузурларига биринчи келган киши биринчи гап бошлар эди. У зот улар кулган нарсага ку-лар, улар ажабланган нарсдан ажабланар эдилар. Мушкули бор одамлар келиб савол сўра-са, саҳобалар ҳам жавоблари-дан баҳраманд бўлиш учун ку-тиб туришар эди. Агар гапи-риш ва бирон нарса сўрашда қўпол муомала қилинса, сабр қилиб: “**Ҳожати бор кишига**

**ёрдам беринглар**”, дер эдилар. Меъ-ёридан ошмаган мақтовни қабул қи-лардилар, бирон кишининг сўзини бў-либ қўймас эдилар. Кимдир чегара-дан чиқиб кетса, сўзини тўхтатиш ёки ўринларидан туриб кетиш билан сў-зини бўлар эдилар. Жоҳил ва нодон кишиларнинг сўзига эътибор бермас-ликлари у зотнинг муомала одоблари юксаклигини кўрсатар эдилар. Ёмон ниятда ёки масҳара оҳангида гапи-рилса, айтилган сўзнинг зоҳирига қа-раб муомала қилиб қўяр эди. Бунга яхудийлар билан бўлган воқеани ми-сол келтириш мумкин.

Яхудийлар Расулуллоҳ солла-лоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузур-ларига киришга рухсат сўраб, сўнг атайлаб тилларини буриб: “Ас-соому алайка”, яъни “Сизга ўлим бўлсин”, дейишди. Ойша розийаллоҳу анҳо уларнинг мақсадини тушуниб: “Ўз-ларингга ўлим ва лаънат бўлсин”, де-дилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам: “**Эй Ойша, Аллоҳ тао-ло ҳар бир ишда мулоимликни яхши кўради**”, дедилар. Ойша розийал-лоҳу анҳо: “Уларнинг нима дегани-ни эшитмадингизми?” дедилар. Ра-сулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам: “**Эшитганим учун ҳам “ва алай-кум”, яъни “сизларга ҳам”, дедим-ку**”, деб жавоб бердилар<sup>1</sup>.

У зот яхудийларнинг “ас-салом” (“тинчлик”) эмас, “ас-сом” (“ўлим”) маъносини назарда тутганини бил-ган эдилар. Лекин у зот алайҳиссалом айтилган гапнинг зоҳирига қараб, му-сулмонлик обрўсини сақлаб, “**Сизлар-га ҳам**”, деб жавоб қайтардилар.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг “Икки олам сарвари” асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

<sup>1</sup> Имом Муслим ривояти.

## Ҳикоят

Аббосий халифа Ҳорун Рашид-нинг Баҳлул деган дарвешифат кишига ҳурмати баланд эди. Чун-ки у ҳақни айтишдан чўчимас, ҳат-то халифага ҳам насиҳат қилиш-дан тап тортмасди. Унинг мана шу жиҳати халифага ёқар эди.

Бир куни халифа қандайдир ма-салада янглиш қарор чиқарганида, Баҳлул унга бу қарорни ўзгарти-риш кераклигини айтди. Аммо бу халифага малол келиб: “Сиз айти-шингиз керак бўлган гапни айтиб, ўзингиздан соқит қилдингиз. Ме-нинг қилган ишимдан сизга зарар етмайди — ҳар бир қўй ўз оёғидан осилади”, деди.

## Ҳар бир қўй ўз оёғидан осилади

Баҳлул халифага сабоқ бериб қўйиш мақсадида бир касал қўй-ни сўйиб, уни сарой боғидаги кўз-дан пана жойга оёғидан осиб қўй-ди. Бир-икки кун ўтгач, боғни бад-бўй ҳид босиб кетди. Хизматчилар боғни қидириб, дарахтга осиб қў-йилган қўйнинг танасини топиш-ди. Бундан хабар топган халифа қўйни ким осиб қўйганини дарров фаҳмлади: “Баҳлулни топиб ке-линглар!” дея амр қилди. Баҳлул-ни олиб келишгач, ундан нега

бундай қилгани ҳақида сўради. “Кўриб турганингиздек, ҳар қўйни ўз оёғидан осилади. Аммо унинг ҳиди бошқаларни ҳам беҳаловат қилади. Худди шундай, жамият-да баъзи кишиларнинг қилмиш-ла-ри сабаб бошқаларнинг ҳам тинчи бузилади, ҳатто зарар кўришлари мумкин”, деб жавоб берди Баҳлул.

Халифа уни мукофотлади ва ўзининг янглиш қарорини тузатди.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

## Масала

## Намозга доир фатволар

### 327-ФАТВО

Мусофирнинг кўзлаган ман-зилига иккита йўл бўлиб, бири уч кеча-кундузлик, иккинчиси икки кеча-кундузлик йўл бўлса, йўлнинг узоғи билан юрсагина мусофир ҳисобланади.

«Оламгирия», «Қозихон»

### 328-ФАТВО

Киши уч кечаю уч кундузлик йўлни улов билан икки кунда босиб ўтган бўлса ҳам, мусофир ҳисобланиб, тўрт ракатли фарз намозларни қаср (икки ракат) ўқийди.

«Оламгирия», «Жавҳара»

### 329-ФАТВО

Мусофир одам қаср ўқиши, яъни, тўрт ракатли фарз намоз-ларни икки ракат қилиб ўқиши вожибдир. Борди-ю, тўрт ракат ўқиб, икки ракатдан кейин ўтир-ган бўлса, намози дуруст ҳисоб-ланади. Лекин кейинги икки ра-кат нафли қўшиб, саломни ке-чиктиргани учун гуноҳкор бўла-ди. Аввалги қаъдага ўтирмаган бўлса, намози бузилади.

«Оламгирия», «Ҳидоя»

### 330-ФАТВО

Сафарда суннат намозлар қаср қилинмайди. Хавф-ха-тар бўлмаса, суннат намозлар ўқилади.

«Оламгирия», «Важизи Қардарий»

### 331-ФАТВО

Мусофир фарз намозларни қаср қилиб ўқишни уйда ният қилган вақтидан бошлаб эмас, балки йўлга тушиб, шаҳри ёки қишлоғининг чекка уйлари ор-тида қолган жойдан бошлайди. Сафардан қайтганда ҳам худди шу жойга келганидан кейин қаср эмас, тўлиқ ўқишга ўтади.

«Оламгирия», «Муҳит», «Татархония»

### 332-ФАТВО

Уч кечаю уч кундузлик йўл-га чиқишни ният қилмай, йўл-га чиқса-ю, бир ойлик йўл босиб ўтган бўлса ҳам, шаръан мусо-фир ҳисобланмайди. Масалан, отини қидириб узоқ масофа-гача излаб борган одам қанча кўп йўл босгани билан, сафар-ни ният қилмагани учун мусо-фир бўлмайди.

«Оламгирия», «Табийн»

5-бетда



«**«Биз Мусога: «Сен бандаларимни (Исроил авлодини Мисрдан) тунда олиб кет ва (ортингдан) етиб келишдан хавф қилмаган ва (фарқ бўлишдан) кўрқмаган ҳолингдан денгиздан уларга куруқ йўл оч!» деб ваҳий юбордик» (Тоҳа сураси, 77-оят).**

Мусо алайҳиссалом Бани Исроил қавми билан тунда Мисрдан чиқиб кетди. Уларнинг адади, болаларидан ташқари, олти юз минг эди. Бани Исроил, гарчи Мусо алайҳиссалом қайтарган бўлсалар ҳам, қибтийлар — Фиръавн қавмидан ижарага олинган кўплаб зебу зийнатларни ҳам олиб чиқиб кетишди. Бундан хабар топган Фиръавн қаттиқ ғазабланди. Чунки умр бўйи унга қуллик қилиб келган одамлар ундан юз ўгиришган эди. Золим Фиръавн бундай «осий» бандаларни тутиб, битта қўймай қириб ташлаш истагида ёнди. Тезлик билан улкан қўшин тузилди. Мамлакатнинг бадавлат ва қувватли кишиларидан бирортаси қўшин сафидан қолиб кетмади.

Фиръавн тиш-тирноғига қуролланган улкан қўшин билан Бани Исроил ортидан қувиб бориб, қуёш чиқиш пайтида етиб олди. Бани Исроил қаршисида Қизил денгиз ястаниб ётарди. Ортидан эса Фиръавн қўшини кутурган денгиздек ёпирилиб кела бошлади. Бани Исроилнинг ҳоли танг бўлди: олдинга юрса, денгизга фарқ бўлади, ортга юрса, Фиръавн қўшини қириб ташлайди. Қутулиб кетишга

## Фиръавннинг ҳалокати

умид қолмади. Ҳатто Мусо алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам бу ёғига нима бўлишини билмай турар эдилар. Одамларнинг жони ҳалкумига тикилиб, даҳшатга тушишди.

«**Бас, қачонки, икки жамоа бир-бирини (узоқдан) кўргач, Мусонинг ҳамроҳлари: «Бизлар аниқ тутилдик», дедилар. (Мусо) айтди: «Йўқ, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар». Бас, Биз Мусога: «Асоинг билан денгизни ур!» деб ваҳий юбордик. Бас, (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув баландга кўтарилиб) улкан тоғ каби бўлди» (Шуаро сураси, 61—62-оят).**

Мусо алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари ўн икки қабиладан иборат эди. Денгиз ёрилиб, ўн икки бўлакка ажради ва ҳар бир қабила учун алоҳида йўлак ҳосил қилди. Аллоҳ таолонинг амри билан шамол йўлақларни бир зумда қуриб қўйди. Ўн икки қабила бир-бирларининг фарқ бўлмаганларини кўриб туришлари учун ҳар бир бўлак сув девор ойнадек шаффоф қилиб қўйилди. Улар бирор талафотсиз хотиржам ҳолда йўлақлардан ўтиб олишди. Энг охиригилари куруқликка чиқиб олишларига бу томондан Фиръавн қўшини билан денгиз қирғоғига етиб келди.

«**Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашилди (Юнус сураси, 90—92-оятлар).**

Қўшин сафида саккиз юз минг қора айғир бўлиб, бирорта ҳам урғочи от йўқ эди. Энг тўқ рангли айғирни Фиръавн миниб олган эди. У қочоқларни қувиб, денгиз қарридаги йўлга юрмоқчи бўлди. Лекин юрагини ваҳима босди: бу ерда уни қандайдир даҳшатли нарса кутаётганини ҳис қилди. Ортга тисарилиб қайтмоқчи бўлди. Бироқ энди жуда кеч эди: қадар юзага чиқиб, дуо ижобат қилинганди. Фиръавн бошчилигидаги қўшиннинг барчаси йўлакка кириши билан денгиз йўли ёпилиб, уларни фарқ қилди. Бирортаси омон қолмади.

«**Унга (Фиръавнга) фарқ бўлиш (ўлим соати) етишганда айтди: «Исроил авлоди иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим. Мен ҳам мусулмонларданман». (Аллоҳ деди): «Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку!»» (Юнус сураси, 90—91-оятлар).**

Фиръавн иймон фойда бермайдиган пайтда иймон келтирди: «**Бас, қачонки, улар Бизнинг азобимизни кўришгач: «Якка Аллоҳга иймон келтирдик ва (илгари Аллоҳга) шерик қилиб олган нарса (бут)ларимизга кофир бўлдик», дедилар. (Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги иймонлари уларга фойда берувчи бўлмади. (Бу) Аллоҳнинг (барча) бандалари ҳақида (жорий**

қилган) йўлидир...» (Ғофир сураси, 84—85-оятлар).

Бани Исроил қавмидан баъзи одамлар Фиръавннинг ўлганига шубҳа қилишди. Шунда унинг ўлганига ишонишлари учун Аллоҳ таоло денгизга Фиръавн жасадини эғнидаги машҳур совути билан куруқликдаги бир тепаликка улоқтиришни буюрди.

«**Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан ғофилдирлар» (Юнус сураси, 92-оят).**

Фиръавннинг ҳалокати Ашуро куни содир бўлди. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо ривоят қилади: «**Набий алайҳиссалом Мадинага келганларида, яҳудийлар Ашуро куни рўза тутушар эди. Улар: «Бу кун Мусо Фиръавн устидан ғалаба қозонган (қундир)», дейишди. Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига: «Сизлар Мусога яҳудлардан кўра ҳақлироқсиз. Шундай экан, Ашуро кунинда рўза тутинглар», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).**

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Ҳадис ва ислом тарихи фанлари» кафедраси мудири **Ҳурмуҳаммад НУРБОЕВ** тайёрлади.



### Бугуннинг гапи

«Аллоҳ йўлида ёрдам берингизлар, садақа қилингизлар...». Деярли ҳар куни пойтахтдаги жамоат жойлари ва транспортларда шу каби овозлар қулоққа чалинади, вилоятларда бундай кишилар уйма-уй эшик қоқади. Ижтимоий тармоқларда эса кўмак сўраётганларнинг сон-саногии йўқ. Шу ўринда савол туғилади: ёрдам сўраётганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатан ночормикин? Ё буни ўзига касб қилиб олганми?

Яқинда маҳалламизда дув-дув гап бўлди. Ёши қирқлардан ошган Ҳилола (исми ўзгартирилган) исмли аёлнинг касаллиги боис халқдан ёрдам сўраган видеоси тарқалибди. Тўғриси, уни кўриб ҳайрон бўлдим. Уй-жойлари бекаму кўст оила. Устига-устак, бу йил қизини супер контрактга ўқишга киргизди. Айни ишлаб, оилага даромад келтирадиган йигирма ёшдан ўтган икки ўғли ҳам бор.

Тайёрга айёр деб шунақаларга айтилса керак. Кези келганда ён қўшингдан битта гугурт сўрагани ҳам андиша қиласан-у, уларнинг қилган иши кишини ҳайрону лол қолдиради. Тўғри, хайру эҳсон, саховатпешалик — халқимизга хос гўзал одатлар. Аммо тўрт мучаси соғ инсонларнинг бу иши боқимандаликдан бошқа нарсаси эмас.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама, агар қамчинг ерга тушиб кетса ҳам**», дея инсонларни беҳожат бўлишга чақирганлар. Ҳадиси шарифларда бировдан тама қилиш, боқимандалик — кишининг ризқини кўпайишига эмас, унинг кесилишига сабаб бўлиши бундай баён

этилган: «**Агар банда ўзига тиланчилик эшигини очса, албатта, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади**» (Имом Термизий ривояти).

Ризқни қанча миқдорда бериш Аллоҳ таолога ҳавола, банданинг вазифаси эса ҳаракат қилишдир. Шу боис ҳам ёши улуғларимиз ҳаракатда — баракот, дейишади.

Бугун «ишлайман, изланаман, интиламан» деган ҳар бир фуқарога юртимизда имкониятлар кенг. Хоҳ у таълим олиб, бирор соҳа мутахассиси бўламан, десин. Ёки ўз уйида бўлса ҳам кичик оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлсин. Имтиёзлар кўп.

Бундан икки йил аввал Сожида турмуш ўртоғидан айрилди. Ёш оила чала битган уйда

эрининг устачилик билан топган даромадидан кун кўришарди. Энди бирор ерга бориб ишлай деса, фарзандлари ҳали кичкина. Ака-укалар ҳам ўз йўлига экан. Аслида у тиланчилик қилиб, атрофдагилардан ёрдам сўраб кун ўтказадиган аҳволга тушиб қолган эди. Аммо бундан қаттиқ ҳаё қилди. Уйда оддий лағмон хамирини тайёрлаб, сота бошлади. Бугун у давлат кўмаги билан тадбиркорлигини кенгайтирди.

Аслида Сожида каби тақдирлар кўп. Улар Аллоҳ берган ризқни ҳаракат билан баракотли қила олганлардир.


Ҳувайдо ХЎЖАМҚУЛОВА, журналист



# Аҳли суннанинг ҳозиржавоб имомлари

Ҳикоя қилинишича, бир куни мўътазилий шайхларидан қози Абдулжаббор Ҳамадоний дўсти Ибн Уббоднинг олдига келди. Унинг ҳузурида аҳли сунна имомларидан бири устоз Абу Исҳоқ Исфироийний бор эди. Қози Абдулжаббор устозни кўриб: “Ёмонликдан пок бўлган Зотга ҳамдлар бўлсин!” деди. Устоз Исфироийний ҳам дарҳол: “Унинг мулкида Ўзи истаган нарсдан бошқаси содир бўлмайдиган Зотга ҳамдлар бўлсин!” деди. Қози Абдулжаббор: “Нима, Раббимиз Ўзига исён қилинишини хоҳлайдими?” деди. Устоз: “Ундай бўлса, Раббимизга мажбуран исён қилинар экан-да?” деди. Қози: “Қани айт-чи, агар У мени ҳидоятдан тўсиб, бадбахтликни тақдир қилса, менга яхшилик қилган бўладими ёки ёмонликми?” деб сўради. Устоз: “Агар У сенга ўзининг шахсий нарсангни бермаган бўлса, ёмонлик қилган бўлади. Агар Ўзининг мулкидаги нарсани ман қилган бўлса, сенга ёмонлик қилмаган бўлади. Чунки У Ўзининг фазлу марҳаматини Ўзи истаган кишисига беради”,

Огоҳлик – давр талаби



деб жавоб қилди. Бу жавобдан қози Абдулжаббор каловланиб қолди (“Шарҳу Фикҳил акбар”).

Изоҳ: Маълумки, мўътазила тоифаси яхшилик Аллоҳдан, ёмонлик эса бандадан деб эътиқод қилади. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолодан. Бу ерда мана шу масала баҳс қилинган. Гувоҳи бўлганингиздек, аҳли сунна имоми устоз

Абу Исҳоқ Исфироийний раҳимаҳуллоҳ мўътазилий тоифасининг эътиқоди пуч эканини исботлаб берди.

\* \* \*

Аллоҳ таолонинг Мутакаллим – сўзловчи сифатини инкор қилувчи мўътазилийлардан баъзилари етти қироат имомидан бири Амр ибн Алога: «“**Ва калламаллоҳу Муса**” (Аллоҳ Мусога сўзлади) оятидаги Аллоҳ лафзини насб қилиб (яъни, Аллоҳга Мусо сўзлади деб – жўналиш келишигида) ўқилишини истаيمان», деди. Амр ибн Ало: “Хўп, мен ўша оятни сен айтгандай ўқидим ҳам дейлик. Лекин Аллоҳ таолонинг «“**Ва ламмаа жаа-а Муса лимийқотинаа ва калламаху Роббуҳу**” (Вақти-ки, Мусо мийқотимизга келганида, унга Раббиси сўзлади) ояти-ни нима қиламан (Яъни, унисини ўзгартирган билан бунисини ўзгартириш имконсиз-ку)?!» деди. Шунда мўътазилийнинг тили айланмай қолди.

“Шарҳу Фикҳил акбар” асарини асосида  
Абдулазиз Раҳмиддин  
тайёрлади.

## Замонамизда мужтаҳидлар борми?

Имом Шихоб Рамли айтади: “Ижтиҳоднинг аҳамиятини ҳақиқий маънода тушунган одам бизнинг замонамизда ўзини “мужтаҳид” деб эълон қилишга Аллоҳ таолодан ҳаё қилади. Ибн Салоҳ ва унинг издошлари мужтаҳидлар уч юз йил илгари қолмаганини айтишган. Агар Ибн Салоҳнинг вафот этганига (ҳижрий 643 йил) уч юз йил бўлган бўлса, демак, мужтаҳидлар қолмаганига олти юз йил бўлади”.

Имом Муновий раҳимаҳуллоҳ зикр қилишича, шомлик Ибн Абу Дам (ваф. ҳижрий 642 йил) ижтиҳоднинг барча шартларини санаб туриб: “Бизнинг замонамизда бу шартларга тўлиқ тушадиган уламони топиш маҳол. Шунинг учун бугун мутлақ мужтаҳид Ер юзиде йўқ”, деган.

Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий ёзади: «Тақлид (яъни, мужтаҳид-имомга эргашиш)ни инкор қилувчилар: “Ҳанафийларга “ижтиҳод эшиги ёпилган”, деб ваҳий келган», дейишади. Улар ростдан ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдами, тавфиқи

бўлишини тушунишмайди. Қодир Аллоҳ ёмғирга эҳтиёж туғилганида ёмғир ёғдиради. Шамол керак бўлганида шамолни юборади. Совуқ иқлимда яшайдиган жониворларнинг жунлари қуюқ ва ҳоказо.

Ҳадисларни ёзиб, тадвин қилишга эҳтиёж туғилганида Аллоҳ таоло ноёб хотирага эга одамларни чиқарди. Бундай мустаҳкам хотирали одамлар бизнинг замонамизда учрамайди. Мазҳабларни инкор қиладиганларнинг ҳеч бири ақалли Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳнинг “Саҳиҳ”ларини иснодлари билан худди улар каби ёддан биладиган бирорта имомларини кўрсата олишмайди.

Худди шундай, шариатни таснифлаш зарурати туғилганида, Аллоҳ таоло умматга фикҳ ва ижтиҳодда ўта ноёб иқтидорга эга кишиларни чиқарди. Қачонки шаръий аҳкомлар

тартибланиб, асослар, қонун-қоидалар қайдлаб қўйилгач, мужтаҳидларга эҳтиёж қолмади. Албатта, янги масалаларни мужтаҳидлар тузган қоидалар асосида ечиб беришга лаёқатли кишилар уммат орасида доим бўлади» (“Афрошул жавоб”).

Бугунги кунда ҳеч бир киши тўғридан-тўғри Қуръони карим ва суннати мутаҳҳарага мурожаат қилиб, улардан шаръий ечимларни чиқариб олишга қодир эмас. Бу худди оддий бир бемор одамнинг тиббиётга оид адабиётдан ўзининг дардига даво излашига ўхшайди. Бундай одам катта эҳтимол билан матнни нотўғри тушуниб олиши, натижада унинг учун ҳаммаси аянчли тугаши мумкин. Зеро, ҳар бир иш ўзининг устасига – мутахассисига топширилмас экан, бундан ортиқ натижани кутиш бекордир.

“Нега мазҳабга эргашилади?”  
китобидан  
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ  
таржимаси

### Масала

3-бетда

#### 333-ФАТВО

Мусофир сафар масофасини босиб ўтгач, бирор шаҳар ёки қишлоқда энг ками ўн беш кун туришни ният қилган ҳолда тўхтаса, муқим бўлади. Шунингдек, сафар масофасини босиб ўтмай туриб, бирор жойда ўн беш кун туришни ёки уйига қайтишни ният қилса ҳам, муқимга айланиб, унда мусофирлик ҳукми қолмайди.

«Оламгирия», «Ҳидоя»

#### 334-ФАТВО

Сахро ва дашту биёбонларда чодир тикиб яшайдиган кўчманчи қабила кишилари агар бир жойда ўн беш кун ва ундан ортиқ туришни ният қилсалар, Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан қилинган икки хил ривоятдан бирига кўра, улар муқимга айланадилар.

«Оламгирия», «Ҳидоя»

#### 335-ФАТВО

Бир шаҳарга келган мусофир ишим битган куни қайтаман, деган ният билан бир неча йил туриб қолса ҳам, муқим бўлмайди.

«Оламгирия», «Таҳзиб»

#### 336-ФАТВО

Мусофир ўн беш кун ёки ундан ортиқ вақт икки манзилда туришни ният қилса: қаралади – агар ўша икки жой ўзига мустақил маконлар бўлиб, бири иккинчисига тобе бўлмаса, муқимга айланмайди. Агар ўн беш кун кундузи бир қишлоқда, тунда иккинчи қишлоқда бўлган деб ният қилса, тунайдиган қишлоққа кириши билан муқимга айланади.

«Оламгирия», «Муҳит»

#### 337-ФАТВО

Ҳожи Макка шаҳрига зулҳижжа ойининг биринчи куни кириб келиб, 15 кун ёки ортиқроқ турман, деб ният қилгани билан муқим бўлмайди. Зеро, ойнинг саккизинчи куни Минога, тўққизинчи куни Арафотга чиқиб кетиши керак. Шунинг учун мусофирлигича қолиб, намозларни қаср қилиб ўқийверади.

«Оламгирия», «ал-Баҳр»

7-бетда



Кўплаб иллатларга лоқайдлик, эътиборсизлик сабаб бўлади десак, адашмаймиз. Ҳаётимизда бунга мисоллар етарлича топилади. Мисол учун, кўчада кетаётганимизда бирор ёшнинг ножўя қилиғига гувоҳ бўлсак, аксар ҳолларда ўзимизни кўрмаганга солаемиз. Ушбу ҳолатни ёқлаганимиздан эмас, балки тарбиясиз ўсмир билан гап талашиб оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликдан чўчиб воқеага аралашмаймиз. Шундай ҳадик қалбларимизга ўрнашиб олгани сабаб жамиятимизда ўз тинчини ўйлаш, нотўғри ҳаракатларга бепарво муносабатда бўлиш кенг ёйилган. Бу нимага олиб келяпти? Албатта, тарбиясизликка, ахлоқий бузуқликларнинг ўзини янада очиқ намоиш этишига ва ҳоказо.

Ўйлаб кўринг, лоқайдлигимиз боис биз гуноҳкор бўлиб қолмаймизми? Ўз биродарини яхшиликка даъват этиш, ёмонликдан қайтариш ҳар бир мўминнинг бурчи эмасми? Шубҳасиз, шундай.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мўмин мўминнинг кўз-гусидир”**, деб бежизга айтмаганлар (Имом Бухорий ривояти). Мўмин-мусулмонлар бир-бирининг камчиликларини ислоҳ қилишга буюрилган.

Икки йилча олдин одамлар кўз ўнгиде ваҳшийлик содир этилди. Кўчада безорилар тўдаси бир йигитга қасддан темир бўлакларини

пичоқ билан ҳужум қилиб, оғир жароҳат етказган ҳолда машинага босиб олиб кетишади ва ўлдиришади. Воқеага гувоҳ бўлганлар томошабинликдан нарига ўтишолмайди. Тўғри, тўсатдан бошланган олатасир жанжалга аралашиб, совуқ нарсалар билан қуролланган тўданинг қаршисига чиқиб боришга ҳар ким ҳам ботинолмайди. Лекин безорилар қандай қилиб ваҳшийлашишгача боришди? Улар бирданига шу ҳолатга келиб қолишмаган. Балки олдин қўл урган кичик номаъқулчилик ишларида ҳеч бир қаршиликка дуч келмаганлари боис бу гал ўзларини янада эркин қўйишган.

Бошқа томондан қарасак, оддий ахлоқсизликка эътироз қилишга юраги дов бермаган оломондан кўзи қонга тўлган кимсаларнинг йўлини тўсишдек жасоратни кутиш ҳам мантиққа зид. Умуман олганда, зулмга нисбатан бу каби ҳаракатсизликларни оқлаб бўлмайди. Жамоатчилик бундай вазиятларга доим тайёр туриши ва ваҳшийликка нисбатан қаршилик кўрсата олиши керак. Бунинг учун одамлардаги лоқайдлик, кўрқоқлик иллатларини бартараф этиш, ҳар қандай ёвузликка қарши курашда жипслашиш талаб этилади. Албатта, Аллоҳни

таниш, динимизнинг бу борадаги кўрсатмаларига қулоқ тутиш қалбимиздаги мудроқликни кетказиши. Акс ҳолда кишилар руҳиятида золимлар қаршисида кўркувга тушиш ҳолати янада чуқурлашади.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сиздан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир”**, дедилар. Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам мункар ишга рози бўлмаслигимиз талаб этилади. Имконимиз қадар ёмонлиكنинг йўлини тўсишга уринишимиз, ҳеч бўлмаганда, дилимизда унга нисбатан эътироз уйғониши керак экан. Шуниси борки, мазкур ҳадиси шарифда қалбдаги норозилик билан кифояланиш натижасида иймоннинг энг заиф даражага тушиб қолиши айтилади. Зеро, лоқайдлик, бепарволик ушбу даражадан ҳам тушиб кетиш, яъни иймондан айрилишга сабаб бўлиши мумкин.


Демак, мушкул аҳволга тушиб қолган инсонга ёрдам қўлини чўзиш, ёмонликлар содир бўлганда, унга қарши туриш иймоннинг қомиллигидан далолат.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Ким бир мўминнинг дунё ғамларидан бирини енгилаштиради, Аллоҳ таоло ҳам ундан қиёмат ғамларини енгилаштиради. Ким қийинчиликда қолган биродарини осонликка чиқарса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охираатда осонликка чиқаради. Агар банд биродарига ёрдам берса, Аллоҳ таоло ҳам бандасининг ёрдамида бўлади”** (Имом Бухорий ривояти).

Баҳодир АҲМАДЖОНОВ,

Қибрай тумани

“Ҳожи Туроб ўғли ҳожи Абдуллоҳ”  
жоме масжиди имом-хатиби



## Бир тўртлик талқини

Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, форс адабиётида фикрни мажозий тимсоллар воситасида, яъни коса остида нимкоса усулида баён этиш бадийятнинг юксак намуналаридан бири сифатида қадрланган. Бу усулда баён этилган воқелик замирига тағмаёнолар жуда усталик билан сингдириб юборилганки, уни ҳар ким ҳам тушунавермаган. Фақат зукко, нозиктаъб китобхонларгина байтлардаги яширин маънони илғай олганлар. Бугун биз форс тилида битилган, лекин халқимиз орасида машҳур бўлган ана шундай тўртликлардан бири ҳақида сўз юритмоқчимиз.

*Худо рузе ки жаннатро бино кард,  
Савоби косалесонро жудо кард.  
Агар дони савоби косалеси,  
Блесиву блесиву блеси!*

Маъноси:

*Худо қай кун айлади жаннатни бино,  
Коса яловчилар савобин айлади жудо.  
Агар коса ялаш савобини билардинг,  
Ялардингу ялардингу ялардинг!*

Мазкур тўртликнинг юзаки маъносига қараганда, халқимиз таомланиш одоби билан боғлиқ бир одатга ишора қилади. У овқатлангандан

кейин косани ялаб қўйиш одати бўлиб, водий томонларда кенг тарқалган.

Албатта, бу тўртлик муаллифи, уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадислар асосида битгани шубҳасиз: **“Кимки бирор идишдан таомланиб, сўнг уни ялаб тозалаб қўйса, идиш унинг ҳаққига мағфират сўрайди”** (Имом Термизий ривояти).

Шунингдек, Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Киши овқат идишини ялаб қўйса, идиш унга истиғфор айтиб: “Аллоҳим! Мени шайтон қўлидан озод қилгани каби уни дўзадан озод қилгин”, дейди»**, деганлар (“Жомеъ ул-аҳодис”).

Шунга кўра, юқоридаги тўртликда шу ҳадисларга амал қилишнинг савоби қанчалар улуғ экани таъкидлангани аниқ, лекин шу ўринда яна бир ҳолатга ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади.

Маълумки, халқимиз орасида улуғлардан қолган таомни еб

табаррук қилиш одати бор. Бундан мурод ўша одамларга бўлган ҳурмат-эҳтиромни кўрсатиш, уларга ўхшашга интилиш орзусини намоён этишдир. Шу нуқтаи назардан, юқоридаги тўртликда таомлангандан сўнг идишни ялаб қўйишгагина тарғиб қилиш маъноси ифода этилган десак, юқорида айтганимиздек, мумтоз адабиётдаги фикрни мажозий тимсоллар асосида баён этиш, яъни коса остидаги нимкосани унутиб қўйган ва байтлар замирига сингдириб юборилган тағмаёноларни англамаган ҳамда байтлар мазмунини фақат бир йўналишдаги маънода тушунган бўламиз.

Бизнингча, бу ўринда коса ялаш мажозан издошлик қилиш маъносида ишлатилган сўз бўлиб, муаллиф унда башариятнинг энг афзали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни назарда тутган. Агар тўртлик мазмунини шу маънода қайта кўриб чиқадиган бўлсак, муаллиф унда: “Аллоҳ жаннатни яратган пайтда

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақиқий издошлари, яъни у Зотдан умматларга мерос бўлиб қолган Қуръони каримни ўқиб, ўрганиб, уни бошқаларга ўргатиб ва унга амал қилувчилар ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини тўла-тўқис бажарувчилар савобини алоҳида қилди. Агар сен у Зотга ҳақиқий издошлик нима эканини билганингда эди, эргашар эдинг, эргашар эдинг ва яна эргашар эдинг...” дея кишиларни ҳақиқий уммат ўлароқ ҳаёт кечиришга ундаётганини тушуниб етамиз. Зеро, охират оламида уммат учун бундан улуғроқ саодат йўқ. Шунинг учун ҳам тўртлик муаллифи бадийятнинг улкан имкониятларидан бири бўлган мажозийлик асосида кичик бир шеър замирига ана шундай теран бир маънони сингдиришга муваффақ бўлган.

Толибжон РЎЗИБОВЕВ,

Фаргона





Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” достонида Худхуднинг даъвати билан Симурғ макони сари йўл олган қушлар машаққатларга дуч кела бошлаши тасвирланган. Айни шу вазиятда кўпчилиги қийинчиликларга чидай олмай, кўзланган манзилга бориш фикридан қайтиб, баҳоналар тўқишга тушадилар. Хусусан, Товус: “Мен қаср ва гулшанларга зийнат берувчи қушман. Менинг нақш ва рангларимдан олам аҳли ҳайратга тушади. Агар суратим гулшанга оройиш берса, юришим кўрган кишига осойиш бағишлайди. Боғлар мен туфайли хазон пайтларида бўстонга, ўрмонлар мен туфайли қиш фасли гулистонга айланади. Агар жилва айлаб, ранг-баранг қанотларимни ёзсам, гўё бошдан-оёқ Искандар ойинаси намоён бўлгандек бўлади. Улус ҳуснимни томоша қилиб, Яратганнинг қудратига офарин айтсин учун Тангри менга ҳаддан ортиқ зебу раънолик бахш этган. Чунки Ҳақ ҳар бир кишини бир иш учун яратган: биров асал тотиш учун яратилган бўлса, биров ниш ейди”, деган мазмунда узр айтиб, бундай

## Тушунча

**Ботил сўзи асосан “ҳақ” сўзига зид маънода ишлатилади. Шариатда эса, асли ҳам, васфи ҳам дуруст бўлмаган ибодат ва амаллардир. Шариатда асоссиз ва Исломда бўлмаган эътиқод ва мазҳаблар ботил ҳисобланади.**

“Ботил” сўзи Қуръони каримда турли маъноларда ўттиз олти марта зикр этилган. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, билатуриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан**

# Имконлар исрофи

сафар унга тўғри келмаслигини билдиради.

Худхуд эса, фақат девоналар ва ёш болалар учун узрли бўлган ҳусн билан фахрланиш, ўзига бино қўйиш масхарага лойиқлиги, эр киши дард ва машаққат қаршисида енгилмаслигини айтиб унга танбеҳ беради. Бу орқали олий мақсад сари интилишдан ҳеч қачон чекинмаслик зарурлиги уқтирилади.

Дарҳақиқат, шариат ҳукмларига амал қилиш ҳақида гап кетса, баъзилар танбаллиги, эринчоқлигини оқлаш учун турли баҳоналар тўқишга, ҳаётдаги нимадир сабабларни рўқач қилишга уринадилар. Аксарияти бу каби важлар Аллоҳ буюрган амалларни бажариб эришиладиган даражалар олдида арзимас эканини яхши тушунса-да, қийинчиликларни бўйинга олишга, нафсини қийнашга ўзларида куч топа олишмайди.

Аслида ибодат, тақво, парҳезкорлик бизга ички ҳаловат, руҳий енгиллик бағишлашини англашга кўпда ожизлик қиламиз ва уни

бошқа ёқдан қидирамиз. Молдунё йиғишга вақтимизни сарфлаб, зиммамиздаги вазифаларни унутамиз. Гўё моддий бойликлар бизга бахт, хотиржамлик берадигандек. Аксинча, тинчимизни ўғирлаши, зарур ишлардан ақлимизни чалғитиши эсимизга келмайди. Шу билан бизга берилган умрнинг бебаҳо онлари, имкониётлари исроф бўлади.

Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Одам боласи қарийди. У билан икки нарсаси ёш қолади: мол-дунё ва ҳаётга бўлган ҳирс”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Демак, кўп яшаш ва кўп молли бўлиш орзуси, нафс хоҳиши бизни кексарган чоғимизда ҳам тинч қўймас экан. Руҳ ва қалб тарбиясини қанча кечиктирсак, имконларимиз шунчалик торайиб боради ва ҳатто барчасини қўлдан бой беришимиз ҳеч гапмас.

Тўлқин ЭШТЎХТАР ЎҒЛИ тайёрлади.

## Ботил (باطل)

**ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!”** (Бақара сураси, 188-оят).

Ибодатларда, никоҳда, савдода ёки битимда улардаги асос руқнларидан бири бўлмаса ботил бўлади, ҳеч нарсаси ҳисобланмайди ёки ҳаром саналади. Масалан, намоздаги ўн икки фарздан бири бажарилмаса, намоз ботил бўлади. Яъни, намоз адо этилмаган ҳисобланади. Агар улар қасддан бажарилмаса, ҳаром, катта гуноҳ бўлади.

Никоҳ ақди аёл-эркакдан бирининг розилигисиз ёки икки нафар балоғатга етган солиҳ

мусулмон эркак ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳлигисиз ўқилган бўлса, ботил бўлади. Яъни, никоҳ ақди боғланмаган бўлади. Мусулмон йигит ва қизнинг никоҳ шартларига амал қилмай бирга яшаши ҳаромдир, улар зинокор ҳисобланади.

Савдодаги нарсаси шаръан қийматли мол бўлмаса, савдо ботил бўлади ва мулкни ифода этмайди. Мисол учун, шариатда қиймати мол саналмаган (ҳаром қилинган) чўчка гўшти каби ўлимтикларнинг савдоси ботилдир (Аҳмад Яман. “Ислом ҳуқуқи”, 300-б.).

Закийиддин Шабаннинг “Усул фихҳ” ва Айтач Айдиннинг “Ислом ҳуқуқининг 200 атамаси” китоблари асосида Абдувоҳид ЎРОЗОВ тайёрлади.

## Ҳикмат

# Тонгда баракот улашилади

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларидан сўрашди:

— Нимага қўйлар доимий истеъмол ва қурбонлик мақсадида сўйилишига қарамай насли қирлиб кетмайди? Аксинча, кўпайгани-кўпайган. Ваҳоланки, қўйлар йилига бир ёки икки марта биттадан, баъзан эгиз туғади. Лекин итлар сўйилмаса ҳам,

бирдан ўнта болаласа ҳам кўпаймайди. Қўйлар каби сурув бўлиб кетмайди?

Мавлоно жавоб бердилар:

— Тонгга яқин пайт энг баракотли вақтдир. Бу вақтда қўйлар ҳеч ухламайди. Доим уйғоқ бўлади. Итлар эса, кечаси билан санғиб, айни шу вақтда ухлаб қолиб, ғафлатда бўлади. Қўйлар

тонг баракотидан баҳраманд бўлишади. Итлар эса, бу баракотдан бебаҳра қолишади. Шунинг учун қўйлар кўпайгани-кўпайган. Ризқингиз кенг бўлишини хоҳласангиз, саҳарлари бедор бўлинг.

Комилжон МАҲМУД, Тошкент

## Масала

5-бетда

### 338-ФАТВО

Савдогар бир шаҳарга бориб, ҳолатимни адо этгунимча 15 кун тураман, деб ният қилса, муқимга айланмайди. Зеро, эрта-роқ ҳолати битса, юртига қайтиши аниқ. Демак, 15 кун туришига ишончи комил эмас. Бинобарин, ният ҳам барқарор эмас.

«Оламгирия», «ал-Баҳр»

### 339-ФАТВО

Бировга тобе ҳолда савдога чиқувчиларнинг мусофир ёки муқимга айланиши уларнинг раҳбарига боғлиқ. Яъни, унинг нияти ва қарорига қараб, уларнинг ҳоли ўзгариб туради. Масалан, шогирдлар устозига, хотинлар эрларига, мардикорлар хўжайинига қараб иш кўрадилар. Ўзларича мусофир ёки муқим бўлишни ният қилишлари жоиз эмас.

«Оламгирия», «Муҳит»

### 340-ФАТВО

Мусофир намоз ичида туриб, шу шаҳарда 15 кун ёки ундан ортиқ туришни ният қилса, намозини қаср қилмай, тўлиқ ракат ўқийди. Бунда унинг яқка ўқиётгани ёки имомга иқтидо қилиб ўқиётгани ёхуд масбуқ эканининг фарқи йўқ.

«Оламгирия», «Муҳит»

### 341-ФАТВО

Мусофир намозни кеч бошлагани учун уни тугатмасидан туриб намоз вақти чиқса, кейин ўн беш кун ёки ундан кўпроқ кун туришни ният қилса, у намози қасрлигича қолади. Агар намозни бузиб қўйса, шу намознинг қазосини икки ракат ўқийди.

«Оламгирия», «Заҳрият»

### 343-ФАТВО


Мусофир муқимга иқтидо этиб намоз ўқиса, қаср қилмай, тўрт ракат ўқийди. Аммо намозни бузиб қўйиб, қайта ўзи ўқимоқчи бўлса, қаср қилади. Агар муқимга нафл нияти билан иқтидо этган бўлса-ю, намозни бузиб қўйиб, қайта ўқимоқчи бўлса, тўрт ракат ўқийди.

«Оламгирия», «Табйин»

“Минг бир фатво” китобидан



# Ғайриихтиёрий ишлар



Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий айтдилар: “Сизларга бир неча юз йиллик таҳқиқотлар хулосаси бўлган бир жумлани айтаман. У тасаввуф йўлининг мукамал ҳақиқатини қамраб олади ва барча

гумроҳлик ва паришонликлардан нажот топишга сабаб бўлади: *Таъсирланиш* (хурсандчилик, ғазаб, ҳафалик, ибодатга шавқ ва ҳоказо кайфиятлар) – *ғайри ихтиёрий, феъллар* (намоз, рўза, закот, ҳаж ва ҳоказо ибодат-амаллар) *эса ихтиёрийдир*. Бандадан талаб этилган нарсаси ҳам айнан феъл-амалдир, таъсирланиш эмас. Таъсирланиш пайига тушиш ўзига ғамни сотиб олишдир”.

**Изоҳ:** Буюрилган амалларни қилиш ихтиёрий, яъни банда уни бажарса, ўша амал қоим бўлади, бажармаса бўлмайди. Масалан, банда намоз ўқиса, намозни адо қилган, ўқимаса, адо қилмаган бўлади. Аммо ибодатдан

таъсирланиш (шавқ, завқ, ҳузур, сакинати кайфият ва ҳолатлар) инсоннинг ихтиёридан ташқаридир. Яъни, “қилиш” ихтиёрий, “бўлиш” ғайриихтиёрий. Бандадан унинг ихтиёридаги иш талаб қилинади, ихтиёридан ташқаридаги иш эмас. Сиз: “Ибодат қияпман-у, лекин лаззат-ҳаловат топмаяпман”, деманг. Чунки у сизнинг қўлингизда эмас. Шу боис унга асло паришон бўлманг. Ихтиёрдан ташқари нарсанинг ташвишини қилиш ўзини мусибатга дучор қилиш демакдир. Хуллас, сиз ихтиёрингиздаги ишларни бажаришни билинг, ихтиёрдан ташқари ҳолатлар билан ишингиз бўлмасин – Аллоҳ таоло уни ўзи истаган бандасига беради.

## Ким ҳидоятни истаса...

Модомики одам ўзини ислоҳ қилишга азму қарор қилмас экан, бирор муаллим ёки муршиднинг таълиму тарбияси ҳеч қандай фойда бермайди. Ҳазрат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам ортиқроқ муаллим, муршид киши бўлиши мумкинми?! У зотнинг амакилари Абу Толиб Он Ҳазрат соллаллоҳу алайҳи ва салламга мўътақид (эътиқодли), балки ошиқ эдилар. У зот ҳам амакиларини қаттиқ яхши кўрар, қандай

қилиб бўлмасин, у кишини иймонга келтириш ғамида бўлар эдилар. Амакиларини иймонга келтириш учун охиригача тўхтовсиз тадбирлар қилдилар. Аммо Абу Толибнинг ўзида истак-хоҳиш бўлмагани учун бу тадбирлар ҳеч қандай фойда бермади. Бу хусусда қуйидаги оят нозил бўлди: «(Эй Мухаммад!) **Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят**

**топувчиларни яхши билувчидир»** (Қасас сураси, 56-оят).

Оятнинг бир тафсирида “**ўзи хоҳлаган**” феълнинг эгаси “**кишилар**”дир. Яъни, хоҳловчи – банданинг ўзи. Шунда оят “Ким ўзининг ҳидоят топишини хоҳласа, Аллоҳ таоло уни ҳидоят қилур”, деган маънони ифода этади. Ушбу маънони «**Кимки охиратни истаса ва мўмин ҳолида (ўз) саъйи билан ҳаракат қилса...**» (Исро сураси, 19-) ояти ҳам қўллаб-қувватлайди.

## Муҳтожлардан миннатдорлик...

Дасти эҳсон ки шукр аз соилон  
дорад тамаъ,  
Нест кам аз косаи дарюзаи  
соил маро.

**Таржимаси:** Наздимда тиланчилардан шукр тама қилувчи эҳсон (эгаси)нинг қўли тиланчининг гадойлик косасидан кам эмас.

**Шарҳ:** Қилинган яхшилиқни гапириш, юзга солиш орқали кишини хижолатга қўйиш, дилига озор бериш миннат дейилади. Бу иш нақадар ёмон ва хунук экани ҳаммага маълум. Шоир бу байтда сизу бизни яхшилиқнинг савобидан маҳрум қилувчи яна бир иллат – миннатдан қайтармоқда. У яхшилиқ эвазига ташаккурга кўз тикиш, мақтовга умид боғлашни тиланчиликка тенглаштирган.

Ҳадисда “**Юқоридаги (берувчи) қўл настдаги (олувчи) қўлдан яхшидир**”, дейилган (Имом Бухорий ривояти). Бироқ эҳсон қилувчи бундай даражани топиши учун яхшилиқнинг ажрини бандадан эмас, Аллоҳ таолодан умид қилиши керак.

Зеро, улуғларимиз айтганидек, садақамизни қабул қилувчи киши бизнинг яхшилигимизни охиратга элтиб берувчи

ҳаммолимиздир. Биз унинг қўли билан яхшилиқларимизни охиратдаги ҳазинамизга жўнатамиз. Шундай экан, унинг раҳмат айтишини кутиш ўрнига яхшилигимизни қабул қилгани, бошқача айтганда, яхшилигимизга “ҳаммолик” қилгани учун миннатдор бўлишимиз керак.

“**Мажолиси ҳақимул умма**” асаридан  
**Ёрқинжон ФОЗИЛОВ** таржимаси

### ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Shamsuddinon Boboxonov» НМИУ жамоаси Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваровнинг укаси **Шораҳим отанинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, барча яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Меҳрибон Раббимиз марҳумни мағфират қилсин, раҳматига буркасин.

### Газетхон илҳами

#### Парда

Ота-она, дўст билан  
Ўзлашум кўзлар чақнаб.  
Меҳр пардаси боғлар  
Одобу ахлоқ сақлаб.

Кесик олмада кўрдим  
Лула-ла назар ташлаб,  
Ҳужайра парда ичра  
Юрибди эркин яшаб.

Шу парда сув, эриган  
Тузларни ҳеч бир ёққа  
Ўтказмас, шу модда-ла  
Экин турар оёққа...

Юрак оғриси, жигар  
Дард чекар – этади кор.  
Улар орасида меҳр  
Тортган ҳарир парда бор.

Уй сирларин беркитар  
Деразадаги парда.  
Гоҳ дўст пардали сўзлар  
Жаҳл қилмай безарда.

Одоб сақлаб қоламан,  
Гоҳо дўппи келиб тор.  
Пардалар эс киритган,  
Этиб турар хабардор.

Бурчим адо этаман,  
Ажрини Ҳақдан кутиб.  
Англадим – синовлардан  
Бўлмас пардасиз ўтиб.

Мўмин АБАЗОВ,  
Сирдарё вилояти.

#### Аллоҳнинг инояти

Тонгни соғлом қучганинг,  
Хотиржам чой ичганинг.  
Боланг бир-бир суйганинг  
Аллоҳнинг инояти.

Меҳнат учун чопганинг,  
Ҳалол таом тотганинг.  
Гоҳ севинча ботганинг  
Аллоҳнинг инояти.

Юришмаса ишларинг,  
Барвақт тушса тишларинг.  
Ёз бўлмаса қишларинг –  
Аллоҳнинг инояти.

Тинч, осуда ҳаётинг,  
Бўлса фарзанд қанотинг.  
Минган “тойчоқ ё отинг”  
Аллоҳнинг инояти.

Абдусаттор ҒОҒУРОВ,  
Бешиқ тумани

#### Muassis:

Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси “Shamsuddinon  
Boboxonov” NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek  
IMOMNAZAROV**

Шамсуддин

Bosh muharrir:  
**Abdul Jalil XO'JAM**

#### Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV  
Sodiq TOSHBOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Abdulaziz MANSUR  
Jaloliddin XAMROQULOV  
Alisher ESHIMOV  
Rustam JAMILOV  
Islomiddin ZUHRIIDINOV  
Xolmat ATABAYEV  
Hikmatulloh TOSHTEMIROV  
Uyg'un G'OFUROV  
Tolibjon NIZOMOV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Hasan QODIROV

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.

Toshkent – 100069, Zargaynar  
18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda  
0017-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:  
**Azizbek XOLNAZAROV**  
Musahhihi:  
**Zabo OMONOVA**  
Sahifalovchi:  
**Komiljon MAHMUDOV**  
Ekspertizaga berildi:  
11.01.2023  
Xulosa (№03-07/307) olindi:  
18.01.2023  
“SHAMSUDDINXON  
BOBOXONOV” NMIU  
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.000  
227/1-buyurtma.  
Bosmaxona manzili:  
Toshkent shahri, Zargaynar  
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.  
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and  
hadiths. Please, do not put it  
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не  
оставляйте в неподходящих местах!